IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 21 Issue 02 May 2026

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА ЭТНОГРАФИЗМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Амонтурдиев Нурали Рашидович
Термиз давлат университети Ўзбек тилшунослиги
кафедраси мудири, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)
Doi: https://doi.org/10.5281/zenodo.20098135

Аннотация: Ушбу мақолада этнографизмларнинг ўрганилиши, ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотлар таҳлил қилинди. Ўзбек тилшунослигидаги муаммолар ҳақида фикр юритилди.

Калит сўзлар: этнографизм, тадқиқот, луғат, маросим.

XX асрнинг 2-ярмигача бўлган даврда халқимиз турмуш тарзи, маданияти билан боғлиқ миллий урф-одатлар, анъаналар, ирим-сиримлар – этномаданий тушунчалар, асосан, насрий асарларда, қисман луғатларда учрайди. Ана шу даврга келиб этнографик тадқиқотлар тилшуносликнинг диалектология соҳаси доирасида юзага кела бошлади.

Этнографизмлар халқ тарихи билан боғлиқ тил ҳодисаси бўлгани сабабли маълум бир ҳудудда яшовчи кишиларнинг ижтимоий фаолиятини, меҳнат жараёнини, маданий-маиший турмуш тарзини ўзида намоён этади[1]. Табиийки, этнографизмлар халқнинг шаклланиши, тили, маданияти, қадимий қадриятлари тарихини ўзида ифодалаши ва уни миллий тил тараққиётининг кейинги босқичларига олиб ўтиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Этнографизмлар нафақат тилшунослик, балки фольклор, тарих, адабиёт сингари фанлар замирида алоҳида бирликлар сифатида ўрганилмоқда. Зеро, диалектолог олим Б.Жўраев таъкидлаганидек, шеваларнигина эмас, этнографик удумларимизни ҳам ўзида сақловчи фольклор матнларининг тилини ўрганмай туриб, бугунги адабий тилимиз нормасини белгилаш мумкин эмас[2]. Бинобарин, антропоцентрик тилшунослик негизида шаклланган этнолингвистика, лингвокультурология сингари йўналишлар халқ тилида унга хос моддий, маънавий, ахлоқий маданият элементлари ҳисобланган этнолексикани ўрганувчи янги соҳалар ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек тилшунослигида этнографизмларнинг ўрганиш объекти ҳали ҳам етарлича аниқланмаган. Шу боис бўлса керак, этнографик луғатларни шакллантириш усуллари, этнолексиканинг лексик-семантик, грамматик, генетик хусусиятлари деярли тадқиқ қилинмаган.

Ўзбек тилшунослигида этнолексеманинг лингвистик ва этнографик аспектда ўрганилиши ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар дастлаб диалектологик тадқиқотларда учрайди. Мавзу доирасида яратилган дастлабки изланишларда “диалектал этнографизм”, “Жанубий Хоразм шевалари этнографик лексикаси”[3] каби кўплаб атамалар учрайдики, бунда тадқиқот объекти ҳисобланган этномаданий лексемалар шеваларни ўрганиш жараёнида лексикографик тадқиқ қилингани кўриниб туради. Масалан, Қорақалпоғистондаги ўзбек шеваларида учрайдиган этнографизмлар А.Ишаев ва Э.Уразов ишларида тадқиқ этилган. Шунингдек, Қорақалпоқ тилидаги баъзи этнографизмлар

[1] Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. –Тошкент, Фан, 1991. 4-б.
[2] Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Т.: Фан, 1969. 80-81-б.
[3] Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси. Фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1997. 2-б.

тўғрисидаги маълумотларни Қ.Айимбетов, Т.Бегжанов, О.Доспанов, Ш.Абдиназимов, Г.Қарлибаева, Д.С.Насировларнинг ишларида ҳам кузатиш мумкин.

Дастлаб Қашқадарё воҳаси халқ сўзлари диалектал нуқтаи назардан ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб тадқиқ қилинган. Филология фанлари доктори, профессор А.Шерматов, шевашунос Б.Жўраев, Т.Нафасов ва Д.Абдураҳмоновлар, фан номзодлари Т.Қудратов, Н.Шоимовалар халқ нутқининг шевавий тузилишини ўрганишга муносиб улуш қўшганлар[4]. Хусусан, Т.Нафасов ўзининг “Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи” номли қўлланмасида айрим жой номларининг юзага келишида халқ урф-одат, анъаналарининг таъсири (Оққўтон, Оқсалла, Оққапа, Қоракамар, Тошқалоқ каби) ва уларнинг тил тарихи, халқ тарихи, диалектлар тарихини ўрганиш ва ёритишдаги аҳамияти[5] борасида фикр юритган.

Ҳудудий этнографик лексика тилшунослар томонидан турли мавзу доирасида тадқиқ қилинди. Масалан, З.Ҳусаиновнинг “Ўзбек тилидаги тўй маросимлари номларининг ономасиологик тадқиқи” (Бухоро шевалари материаллари асосида, 1984), О.О.Исмоиловнинг “Ўзбек тўй маросим фолкълорида “Келин салом” жанри” (1999), Ф.Ҳайитованинг “Никоҳ тўйи қўшиқларининг лингвистик талқини” (1998), Ш.М.Нуриллаеванинг “Туркистон қарлуқ тип шеваларида тўй маросими номлари” (2001), С.Х.Давлатовнинг “Қашқадарё воҳаси ўзбек тўй маросимлари фольклори” (1996) номли илмий тадқиқотлари фикримиз исботи бўла олади. Гарчи ушбу тадқиқотларда тўй ва у билан боғлиқ этнографик лексемалар тадқиқ объекти сифатида танланган бўлса-да, баён қилинган илмий-назарий қарашларда уларнинг асосан диалектик хусусиятларига урғу берилади.

Ўзбек тилшунослигида этнографик лексика ва ҳудудий ўзига хослиги масаласи анча чуқур ўрганилган. Н.Мирзаевнинг “Ўзбек тилининг этнографик лексикаси” (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида, 1971), А.Жўрабоевнинг “Ўзбек тилидаги тўй маросимлари билан боғлиқ атамалар” (Андижон шевалари материаллари асосида, 1971), З.Ҳусайновнинг “Ўзбек тилида тўй маросимлари атамаларининг ономасиологик тадқиқи” (Бухоро шевалари материаллари асосида, 1984), Й.Бобожоновнинг “Жанубий Хоразм этнографик лексикаси” (1997), М.Қаҳҳоровнинг “Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи” (2009), Х.Бердиевнинг “Ўзбек тилининг ўтовсозлик лексикаси” (2017) номли диссертациялари ва бошқа бир қатор тадқиқотларни кўрсатиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигида миллий этнографизмлар лингвистик тадқиқот манбаи сифатида дастлаб Н.Мирзаевнинг “Ўзбек тилининг этнографик лексикаси” (1971) номли диссертациясида ёритилди. Унгача ҳам миллий анъаналар, турли урф-одатлар ҳақида кўплаб маълумотлар турли адабий, тарихий манбаларда келтирилган эди. Бундан ташқари, туркий халқлар, жумладан, ўзбек тили ва унинг лексик қатлами диалектик аспектда рус ва бошқа халқлар олимлари томонидан анча тадқиқ қилинган эди. Н.Мирзаев тадқиқоти бу йўналишдаги дастлабки иш бўлгани боис, олим кўпроқ тарихий манбалардан фойдаланган. Аммо ушбу тадқиқот мавзуга доир кейинги илмий тадқиқотлар учун илмий-назарий, амалий манба сифатида жуда қимматли.

Н.Мирзаев халқимиз ҳаёт тарзи, урф-одати, моддий ва маънавий маданияти билан боғлиқ лексикани “этнографик лексика” ёки “этнографик лексик қатлам”[6] деб аташ лозимлигини таъкидлайди.

Тилшунос “этнографик лексика умумхалқ адабий тилида баъзи параллеллари мавжуд бўлган, кенг миқёсдаги тушунчани ўзида акс эттириб турадиган, халқ ҳаётининг

[4] Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. –Тошкент, Муҳаррир, 2011. 8-б.
[5] Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. –Тошкент, 1985. 7-б.
[6] Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида) Фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1971.

ёки халқ хўжалигининг барча соҳасига доир сўзлар мажмуасидан иборатдир”[7] деб таърифлайди.

Н.Мирзаев Қашқадарё ўзбеклари нутқида қўлланувчи этнографик лексиканинг этимологик таркиби, яъни ўз қатлам – умумтуркий ва ўзбекча; ўзлашган қатлам – форс-тожикча, арабча этнографик лексемалар ҳақида фикр юритади. Ишнинг 1-бобида ўз ва ўзлашган қатламга хос этнографик лексемаларнинг этимологик хусусиятлари очиб беради. Луғатда келтирилган 737 сўзнинг 390 (53%) таси умумтуркий, ўзбекча, 140 (16%) таси тожикча, 72 (10%) таси арабий, 5 (0.6%) русча, 147 (17%) таси юқорида келтирилган тиллардаги турли компонентларнинг қўшилувидан ҳосил бўлгани таъкидлаб ўтилади. Бу ҳолат ўзбек этносининг этномаданий шаклланишида қайси халқлар ёки тиллар билан алоқаси, яқинлиги қай даражада эканлигини кўрсатади.

Н.Мирзаев қариндош бўлмаган тилларнинг таъсирида умумтуркий, ўзбекча этнографик лексемаларнинг турли вариантлари, дублетлари ёки синоним шакллари пайдо бўлганини таъкидлаб, *бақан* – бўйинтуруғ, *қўноқ* – меҳмон, *кийим* – сарупо, *қумғон* – офтоба, йиғин – *гаштак*, *энага* – доя каби этнолексемаларни мисол қилади.

Тилшунос олим ижтимоий, сиёсий ва маданий алоқалар натижасида этнографик лексик қатлам таркибига янги (неологизм) сўзлар кириб келиши ва луғат таркиби бойиб боришини таъкидлайди. Хусусан, рус тили ва у орқали Европа тилларидан ўтган айрим одат, маросимлар номини этнографик неологизм сифатида келтириб ўтади ва бунга *туғилган кун, гул базми, қиз базми, қадаҳ сўз, кечки тўй, биринчи қўнғироқ, сўнгги қўнғироқ, шанбалик*[8] каби бирикмаларни мисол сифатида эътироф этади. Тадқиқотда бу каби лексемаларнинг ёзма нутқ орқали халққа тарқалиб, кейинчалик оғзаки нутқ шаклига ўтганлиги айтиб ўтилган.

Ўзбек тили лексик қатламида этнографизмларнинг юзага келиш сабаблари, унда маъно кўчиш, торайиш ва кенгайиши, лексемаларнинг структур ва семантик муносабатларидаги ўзгаришлар таҳлил қилинган. Н.Мирзаев баъзи сўз туркумларига оид сўзларнинг субстантивация (отлашиш)лашиши ва бу жараён айрим урф-одатларнинг бажарилиш жараёнини ўзида акс эттиришини таъкидлайди. Масалан, **сондан**: *етти, йигирма, қирқ, тўққиз*; **сифатдан**: *оқ, қора, кўк*; **феъл ва унинг хосланган шаклларидан**: *соч сийпатар, оғиз очди, нон синдирди, арқон тортиш* каби.

Н.Мирзаев этнографик лексик қатламнинг бойиб боришида янги номлар, сўзларнинг ясалиши ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади. Аффиксация усули билан ҳосил қилинган этнографик лексемаларда асос ва ясовчи қўшимча, ясалма ўртасидаги алоқадорлик, уларнинг семантик шаклланиши мисоллар асосида изоҳланган.

Тилимизда кўплаб урф-одат, анъана, маросим номлари бирикмали ҳолда ишлатилади. Ушбу тадқиқотда композицион усулда ҳосил қилинган этнографик жараён номини ифодаловчи бирикмалар ва уларнинг ҳосил бўлишида фаол иштирок этувчи лексемалар, хусусан, *тўй, ош, тўққиз, куёв, товоқ* каби бирликлар, уларнинг семантик-функционал хусусиятлари лингвистик таҳлил қилинган. Бу каби бирикмали номларни юзага келтиришда тил эгалари умумисътемолда бўлган сўзлардан кўпроқ фойдаланиши таъкидлаб ўтилган.

Й.Бобожонов Жанубий Хоразм этнографик лексик қатламларини текшириш усулидаги анъанавийликка шунчаки эргашиш йўлидан эмас, балки мавжуд ашё-далиллар тақозоси билан қайд этилган қатламларни таҳлил этиш йўлидан борганлигини[9]

[7] Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида) Фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1971. 33-б.
[8] Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида) Фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1971. 69-б.
[9] Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1997. 74-б.

таъкидлайди. У Жанубий Хоразм этнографик лексикаси мисолида ўзбек шеваларидаги этнографизмларни учта катта қисм кўринишида тавсифлашни маъқул топади. Унингча, этнографизмлар:

1) инсон туғилиши ва унинг чилла даври билан боғлиқ этнографизмларга;

2) тўй (суннат тўйи ҳамда никоҳ тўйлари) этнографизмлари тўйга қадар, тўй пайтида, тўйдан сўнгги маросимларга оид этнографизмларга;

3) мотам-маросимини ифодаловчи этнографизмларга[10] бўлинади.

Ушбу тадқиқотнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, ўзбек тилшунослигида Н.Мирзаевдан кейин илк бор ҳудудий этнолексика махсус этнографик аспектда ўрганилди. Жанубий Хоразм этномаданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга этнографик бирликлар анъанавий луғатчилик принциплари асосида луғатлаштирилди.

Мустақиллик йилларида яратилган этнографик тадқиқотлардан яна бири М.М.Қахарованинг “Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи” (2009) номли диссертациясидир. Ушбу тадқиқотда Фарғона водийсида учрайдиган турлича маросим номлари мисолида этнографизмларнинг тил системасида тутган ўрни, этнографик бирликлар, шунингдек, урф-одат, маросим номларини ифодаловчи барқарор бирликларнинг нутқда воқеланиши, этнолексемаларни урф-одат микромайдонига бирлаштиришнинг системавий хусусиятлари талқин ва таҳлил қилинган. Бугунги интеграциялашув жараёнида тил бирликларини бир-бирига қиёсий тадқиқ этиш зарурати мавжудлиги таъкидланиб, ўзбек тилидаги урф-одатлар, расм-русумлар билан боғлиқ тушунчаларнинг номларини системавий асосда махсус ўрганиш, мавзуга боғлиқ тушунчаларни муайян микромайдонга бирлаштириш ва уларни семик жиҳатдан таҳлил этишнинг аҳамиятли жиҳатлари ёритиб берилган.

Этнографик бирликлар “урф-одат” семаси асосида барча расм-русум ифодаловчи лексемаларни маълум парадигмага бирлаштиради. Айни вақтда, бу бирликлар умумлашма доирасида муайян умумий маъно асосида яна кичик майдонларга бирлашиши кузатилади. Уларнинг ҳар бирини структур таҳлил этиш этнолингвистика соҳасининг равнақига катта хизмат қилади[11].

Р.Қосимова “Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши” (2018) номли филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида “этнографизм” термини, унинг моҳияти ва қўлланиши, уни таржимада бериш муаммолари ҳақида фикр юритади. Шунингдек, халқимизнинг моддий-маданий, маънавий-маданий ҳаёти билан боғлиқ этнографизмлар, ўз ва ўзлашган қатламга мансуб этнографик диалектизмлар, лакуналарнинг лингвокультурологик қиёси, хорижий тилларга таржима қилиш усуллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари илмий таҳлил қилинган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек тилшунослигида этномаданий лексика билан боғлиқ дастлабки илмий тадқиқотларда “диалектизм” ва “этнографизм” терминлари илмий асосланган ҳолда фарқланмади. Хусусан, Н.Мирзаев тадқиқотида этнографик лексемалар, асосан, транскрипцияда берилди. Бу ўзбек тилшунослигида этнографик тадқиқотларнинг юзага келишида диалектологиянинг таъсири сезиларли даражада эканини кўрсатади. Р.Қосимова ўз тадқиқотида айнан этнографизм ва диалектизмни фарқлаб, улар маълум бир ҳудудда яшовчи кишиларгагина тушунарли бўлган сўзлар эканлиги жиҳатидан ўзаро муштараклик ҳосил қилиши, айни пайтда, моҳиятан бошқа-

[10] Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: фил. фанлари номзоди дис. автореферат. –Тошкент, 1997. 7-б.

[11] Қахарова М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи: фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 2009. 22-б.

бошқа тил бирликлари эканини[12] таъкидлайди. Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, этнографизмларни диалектизмдан фарқли ҳодиса сифатида ўрганишда ушбу илмий тадқиқот ўзбек тилшунослигида дастлабки лингвистик манба ҳисобланади.

Бир сўз билан айтганда, ўзбек тилшунослигида моддий ва маънавий-маданий этнолексиканинг этнолингвистик тадқиқи талаб даражасида эмас. Мамлакатимизда Қашқадарё ва Хоразм ҳудудларининг этнографик лексикаси махсус лингвистик нуқтаи назардан ўрганилганини ҳисобга олмаганда ҳудудий этнографик лексика лексикографик аспектда ўрганилмаган, луғатлаштирилмаган. Ҳудудий этнографик лексика махсус этнолингвистик, лексикографик планда тадқиқ қилинмас экан, ўзбек тилининг умумий этнографик луғатини тузиб бўлмайди.

Foydalanilgan Adabiyotlar

1. Мирзаев Н. Ўзбек тили этнографизмларининг изоҳли луғати. –Тошкент, Фан, 1991.
2. Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Т.: Фан, 1969.
Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси. Фил. фанлари номзоди дис. – Тошкент, 1997.
3. Нафасов Т. Қашқадарё ўзбек халқ сўзлари. –Тошкент, Муҳаррир, 2011.
4. Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент, 1985.
5. Мирзаев Н. Ўзбек тилининг этнографик лексикаси (Қашқадарё вилояти ўзбек шевалари материаллари асосида): Фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1971.
6. Бобожонов Й. Жанубий Хоразм этнографик лексикаси: фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 1997.
7. Қахарова М. Ўзбек этнографизмларининг системавий тадқиқи: фил. фанлари номзоди дис. –Тошкент, 2009.
8. Қосимова Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD) дис. – Тошкент, 2018.

[12] Қосимова Р. Ўзбек тўй ва мотам маросим фольклори матнларининг инглизча таржимасида этнографизмларнинг берилиши. Фил.фан.бўйича фалс.док. (PhD) дис. –Тошкент, 2018., 21-б.